



## РОССИЯ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Россия Президенти Владимир Путинга табрик хати йўллади.

Унда Россия Президенти ва россияликларни миллий байрами – Россия куни билан табриклади.

“Россия Федерацияси ўзининг янги тарихида ушбу шонли санани халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга, янги таҳдид ва хавфларга қарши ҳаракатлар, жаҳон ҳамжамияти аъзолари орасидаги ўзаро самарали ва адолатли ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган салоҳиятли ва фаол давлат деб ҳисоблайди. Сизнинг стратегик йўналишингизга қатъий амал қилган ҳолда, Россия давлат тузилмасининг кўп асрлик анъанасини мувафақиятли ошириб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил турда янгилаб келади”, дейилган табрикномада.

Егемен Қазақстан.

## СЕНАТ САЙЛОВИ ЎТАДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон Республикаси Сенати депутатлари сайловини 2020 йил 12 августга белгилаш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Нур-Султан, Алмати ва Шимкент шаҳарлари, вилоятлар ҳокимларига Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати депутатлари сайловини ташкилий, моддий-техник ва молиявий таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

ҚозАхборот.

## СИФАТЛИ ХИЗМАТ – БОШ МАҚСАД

Шимкент шаҳрига хизмат сафари билан келган ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Елжан Биртанов ва шаҳар ҳокими Мурат Айтенов соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Тиббиёт ходимлари билан учрашув чоғида Е. Биртанов соҳани мутахассислар билан таъминлаш даражаси билан қизиқди. Шунингдек, тезкор тиббий ёрдам кўрсатадиган реаниматолог, жарроҳ, акушер-гинеколог каби мутахассисларнинг Соғлиқни сақлаш кодекси бўйича мақомини қўллаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

ҚозАхборот.

## ҚОЗОҒИСТОНДА ТУҲМАТ ЭНДИ ЖИНОЯТ ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Қозоғистон Парламенти Сенати «Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижровий ишлар ва жиноий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонунини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Сенаторлар томонидан қабул қилинган Қонун лойиҳасига кўра, ҚР Жиноят кодексининг 130-моддаси (“Туҳмат қилиш”) Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексга ўтказиладиган бўлди.

– Қонун лойиҳаси барча томонлар учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг шаффофлиги ва оммабоплигини оширадиган бўлди. Унга киритилган меъёрлар хусусий суд ижро-чисининг жорий ҳисоб рақамидаги ундириб берувчининг фойдасига олинган маблағнинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган, – деди қонун лойиҳасини таништирган сенатор Андрей Лукин.

ҚозАхборот.



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
janubiy.kz Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 13 июнь, шанба. №56 (2831).



**ИНАУГУРАЦИЯ  
МАРОСИМИ ЎТИБ,  
ҚАСИМ-ЖЎМАРТ  
ТЎҚАЕВНИНГ  
ҚОЗОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ХИЗМАТИГА  
РАСМИЙ РАВИШДА  
КИРИШГАНИГА  
БИР ЙИЛ  
ТЎЛДИ.**

## ВОРИСДОШЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ БИР ЙИЛИ

Ўтган йили 9 июнь куни ўтган сайловларда сайловчиларнинг 70 фоиздан зиёди Қасим-Жўмарт Тўқаевга овоз берган эди. Шундай қилиб, бир йил муқаддам Қозоғистон халқи Элбоши сиёсатининг ворисдошлигига ва элимизнинг янада тараққий этишига йўл очиб берди.

Шундан бери атиги бир йил ўтган бўлишига қарамай, бўлиб ўтган воқеаларнинг бисёрлиги ва амалга оширилган ишларнинг қамровига қараб, уларнинг кўп йилларга татигулик эканига амин бўламиз.

Давлат раҳбарининг стратегик режаси ва сайловолди дастурининг бажарилишига ҳам кундалик ҳаётимизда гувоҳ бўлмоқдамиз.

Қозоғистон ташқи сиёсатидаги янги жиҳатлар, ички сиёсатда – халқ манфаатларини устувор кўришга ва фуқаролар эркинлигини таъминлашга; ташқи сиёсатда – иноқ қўшничилик ва ўзаро ишонч асосида манфаатли шерикчиликка йўналтирилганига ҳам гувоҳ бўляпмиз.

Йил давомида амалга оширилган барча ҳаракатлар, қилинган ишлар, чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, қайсидир маънода, шу икки йўналишни амалга оширишга хизмат қилади.

Авваламбор, давлатчилик сиёсатида мисли кўрилмаган, ҳатто жаҳон миқёсида ҳам янгиланган бўлган халқ билан мулоқот тизими яратилди. Давлат қурилишидаги ўзгаришлар айнан шу

мезон асосида амалга оширилмоқда. Яъни давлатнинг халқ олдида ҳисобдорлиги ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши.

«Бир йил аввал давлат арбоби, глобал сиёсатчи Н. Назарбаевдан давлат раҳбарлигини қабул қилиб олиш шарафи буюрди. Давлатимиз асосчиси – Элбоши стратегиясининг изчиллигини таъминлаш учун кўп ишлар қилинди. Мамлакатни модернизация қилиш бўйича ислохотлар давом эттирилади», деб ёзди Президент ўзининг Twitterдаги саҳифасида.

Бу ҳақда батафсил Akorda.kz сайтида ўқий olasiz.

## САБЗАВОТ НАРХИ АРЗОНЛАШДИ

Май ойида қарам, помидор ва бодринг нархи ўтган ойга нисбатан бироз тушди, умуман сабзавот бир ой ичида 5,7 фоизга арзонлашди.

Бундан ташқари, пандемиянинг тарқалиши пайтида олиб-сотарлар нархини оширган лимоннинг нархи 0,6 фоизга пасайиб, 1 килограмми 1129,9 тенге бўлган. Май ойи натижаларига кўра, мева-сабзавотлар истеъмол нархлари ўсиши ойига 1,5 фоиз ва йилига 10,1 фоизни ташкил этди.

Қозоғистон минтақалари ичида мева ва сабзавотнинг энг юқори нархи Шимкент шаҳрида (4,6 фоиз), Манғистов (+ 4 фоиз) ва Атиров (+ 3,7



фоиз) вилоятларида кузатилади.

Мева ва сабзавотлар баҳолари мамлакатнинг тўртта минтақасида пасайган: Қарағанди вилояти (3,4 фоиз), Нур-Султан шаҳри (0,6 фоиз), Павлодар (0,2 фоиз) ва Ғарбий Қозоғистон вилоятларида (0,1 фоиз). Май ойида энг кўп қимматлашган мева ва сабзавот: пиёз ва сабзи, шунингдек, олма бўлди.

ҚозАхборот.

## ● Обуна – 2020

### “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” газетасига обуна бўлинг!

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, кундалик ҳаётимизнинг ойнаси, шитоб билан ўтиб бораётган умр лаҳзаларининг қоғоздаги инъикосидир. “Жанубий Қозоғистон” – республикамиздаги ягона ўзбекзабон давлат нашри, унда миллий кадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақидаги ранг-баранг мақолалар, янгилклар, турфа ҳангомалар она тилимизда эълон қилинади.



Ҳурматли юртдошлар! «Жанубий Қозоғистон»га 2020 йилнинг иккинчи ярми учун обунани расмийлаштиришга шошилинг!

“Қазпочта” ҲЖ орқали: Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге; туманлар учун – 2911, 20 тенге. Шимкент шаҳри учун таҳририят орқали бевосита обуна баҳоси – 1600 тенге.



## МАҚТААРАЛДА ДАСТЛАБКИ ИККИТА УЙ БИТДИ

Янги кичик туманда дастлабки 2та уйнинг қурилиши ниҳоясига етиб, эгаларига топширилиш арафасида.

Шунингдек, яна 5та уйнинг томи ёпилиб, 13тасининг деворлари битай деб қолди.

Бу уйларнинг қурилишини “Нўри-Л-Жетисай” компанияси ўз зиммасига олган эди. Бу ерда 130 қурувчи ва 20та техника ишламоқда.

Компания устаси Ж. Айтековнинг айтишича, ишлар белгиланган

жадвалга мувофиқ юритилмоқда, қурилиш материаллари ва ишчи кучи етарли. Қурувчилар учун барча шароитлар яратилган. Компания ушбу кичик туманда 20та уй қуриб беради.

Айни кунларда зарар кўрган ҳудудда 37та пудратчи ташкилотнинг 1334 ишчиси 383та уй қурилишида тер тўкмоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## “БОЛАШАҚ” ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ СОВҒАСИ



Мақтаарал туманида рўй берган офат туфайли аҳоли вақтинча беҳатар жойларга кўчирилгани маълум. “Bolashag Ontustik” корпоратив жамғармасининг маҳаллий кўнгиллилари эвақуация марказларига жойлаштирилган болаларнинг кўнглини чоғ қилишга ҳаракат қилишди.

Улар Президент стипендияси битирувчилари номидан махсус совға-саломлар тайёрлашди. Хусусан, “Еркежан” ёзги соғломлаштириш лагерига юборилган 55 болакайга смартфон, китоб, самокат ва роликлар совға қилишди.

Халқаро “Болашақ” дастури битирувчилари ассоциациясининг Туркистон вилоят ва Шимкент шаҳар бўлимла-

ри вакиллари номидан сўзга чиққан Гаухар Тўребекованинг айтишича, совғалар асосан кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари ёки етим болаларга берилган.

Хайрия акцияси давом этмоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## БАНДЛИККА КЎМАК – ҒАМХЎРЛИК ДЕМАК

МАҚТААРАЛДАГИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИДА 800ДАН  
ЗИЁД МАҲАЛЛИЙ ФУҚАРО ҚАТНАШМОҚДА

Сув тошқинидан зарар кўрган фуқаролар бандлигини таъминлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Бугунги кунда Мақтаарал туманида сув босган аҳоли манзилларининг фуқаролари учун уй қураётган қурилиш компанияларида 1475 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 800 дан зиёди тошқиндан зарар кўрган фуқаролар. Айни пайтда яна 43та бўш иш ўрини мавжуд. Уларга ҳам маҳаллий фуқароларни жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Мақтааралликлар бандлигини таъминлаш мақсадида мобил марказлар очилган. Улардан биттаси Жанатурмис, Женис, Ўргөбас, Дўс-

тик ва Фирдавсий қишлоқлари аҳлига хизмат кўрсатмоқда. Иккинчи гуруҳ Нурлитан, Жайлибаев, Шугила, Жантақсай қишлоқларида. Учинчи марказ ходимлари Мирзакент, Нурли жўл, Арайли ва Ақжўл қишлоқларида яшовчи фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам берапти.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳам махсус машғулотлар ўтказила бошлади. Иштирокчиларга асаларичилик, иссиқхона, қўзиқорин етиштиришга оид маслаҳатлар берилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Туркистон шаҳри ҳокими Рашид Абатули жорий йилда шаҳарни табиий газ билан тўлиқ таъминлаш лойиҳасига жиддий эътибор қаратмоқда.

Ушбу йўналишдаги барча ишларни шахсан назорат қилмоқда. Шаҳар раҳбари девон мажлисида бажарилаётган ишларни танқид қилиб, аниқ топшириқлар берди.

– Жорий йилнинг сўнгигача 30 мингдан зиёд абонентни “зангори олов” билан таъминлаш режаланган бўлса, ҳозир газ қувурлари ярмига ҳам етмаган. Бундай суръат билан режадаги ишларни белгиланган муддатда бажара олмаймиз, – деди шаҳар раҳбари.

У девон раҳбарига мутасадди бўлим устидан тегишли хизмат текшируви ўтказишни топширди.

**Шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.**

## 30 МИНГ АБОНЕНТ ГАЗГА УЛАНАДИ



Келес тумани Бўзай қишлоқ округида яшовчи Андрей Грибанов уч болани тарбиялаётган ёлғиз ота. Турмуш ўртоғи эрта вафот этиб, бугунги кунда икки қизи ва бир ўғли билан 2015 йили иш қидириб, Сарюгач шаҳрига кўчиб келган. Сўнг соғлиги панд бериб, қишлоққа қайтишга мажбур бўлган. Қишлоқ аҳли ижара уй сўраб келганини кўриб, ҳашар йўли билан уй қуриб беришган.



## ЁЛҒИЗ ОТАГА – БОШПАНА

Бундан ташқари, ҳамқишлоқлари унга 20тачага яқин кўй бериб, қишлоқ ҳокимлиги уни ишга жойлаштирган. Шунингдек, бўзайликлар рўзгор техникаси, жиҳоз, идиш-товоқ, керакли кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашган. Келгусида бошпанани тўлиқ таъмирдан ўтказишмоқчи. Бошпанана эга бўлган Андрей Петрович ҳамқишлоқларига миннатдорчилик билдирди.

Келес туманига матбуот

сафари доирасида журналистлар маҳаллий фуқароларни иш билан таъминлаётган қурилиш майдонларига бордилар. Улардан бири “Бандлик-2020” йўл харитаси доирасида республика бюджети ҳисобидан тўқис таъмирдан ўтаётган Биртилак қишлоқ округидаги 13-сонли Т. Бигелдинов номли мактабидир. Қурилиш ишларига қишлоқнинг 40га яқин аҳолиси жалб этилган. Жорий йилнинг август ойида

мактабни фойдаланишга бериш режаланган.

Дастур доирасида Келес туманида жами 3та иншоотда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Булар: Т. Бигелдинов номли мактаб, Ушқин қишлоқ округидаги спорт майдончаси ва Ақтўбе қишлоқ округидаги касалхонадир.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## НИМА УЧУН ИЮНЬ ОЙИДА ҚОЗОҒИСТОНДА ПЕНСИЯЛАР МИҚДОРИ КАМАЙДИ

ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигида 2020 йил май ва июнь ойларида олинган пенсиялар миқдоридagi фарқ ҳақида маълумот берилди.

Қозоғистонликларнинг май ойида олинган пенсиялари июнь ойига нисбатан юқори бўлди. Бунга қўшимча тўловларни 5 фоиз индексациялашдан кейин апрель ойида олинмаган маблағларнинг тўланиши сабаб бўлди. Давлат раҳбарининг 2020 йил 30 мартдаги буйруғи билан пенсия тўловлари ва имтиёзларининг қўшимча индексациялаш амалга оширилди. Шундай қилиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб асосий пенсия ва давлат нафақалари 5 фоизга, ёшга қараб бериладиган пенсиялар эса 7 фоизга оширилган бўлса, 1 апрелдан бошлаб барча тўловлар яна 5 фоизга оширилди.

Таъкидлашчи, апрель ойидаги ўсиш автомат тарзда (қўшимча ҳужжатларни талаб қилмасдан) амалга оширилди, шунинг учун май ойида фуқаролар ўсишни ҳисобга олган

ҳолда тўловларни олдилар. Шу билан бирга, апрель ойида фуқаролар томонидан қабул қилинмаган янги ва эски миқдор ўртасидаги тавофут май ойида пенсияларни навбатдаги тўлов билан бир вақтда тўланган.

Масалан, агар 2020 йил январь ойидан бошлаб пенсия тўловлари миқдори (ёшга қараб тайинланган нафақа + асосий пенсия) 90400 тенгени ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, пенсия тўловларининг янги миқдори 94920 тенгени ташкил этади (90400 тенге +5 фоиз ўсиш). Бундан ташқари, май ойида тўлов 99440 тенге (94920 тенге + апрель ойи учун 4520 тенге) қўшимча бўлди. Июнь ойида пенсия тўловлари белгиланган 94920 тенгени ташкил этди.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб энг кам пенсия тўлови 58082 тенге, шу жумладан, минимал базавий пенсия тўлови 17641 тенге этиб белгиланди.

**Казправда.**

● Туманлардан хабарлар

● Мақтаарал

## ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ – 120 МИНГ

Мақтаарал туманининг Мирзакент қишлоғида барпо этилаётган кичик туманда уй-жой қуриш билан шуғулланаётган қурувчиларнинг ўртача иш ҳақи 120 минг тенге.

Лойиҳа раҳбари Т. Кемеловнинг айтишича, “Фибрат-Қурилиш” МЧБ Мақтаарал аҳолиси учун 18та уй қурапти, ҳозирда 13та уйнинг девори газ блоклардан кўтарилди. 153 ишчи икки сменада ишлайди, 22та техника жалб қилинган. Бинокор-

ларнинг 40 фоизи маҳаллий фуқаролар.

Қурилиш компанияси республикамизнинг учинчи мегаполисидаги объектларни қуришда катта тажрибага эга. Шунингдек, ушбу компания Бойқўнғир, Жанақўрған, Шиёли ва Жаркент шаҳарларига газ



қувурларини ўтказган.

Мақтаарал ва Жетисай туманларида ушбу компания каналларни қайта қуриш ва дренаж тизим-

ларини ўтказиш ишларини ҳам амалга оширмоқда. У 2019 йилда темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

● Жетисай

## ТУРКИСТОН ШАФТОЛИСИ – БОЗОРЛАРДА

Жетисай тумани Атамекен қишлоқ округининг “Нурсултан” фермер хўжалигида етиштирилган дастлабки шафтоли вилоят бозорлари пештахталарида пайдо бўлди.



Хўжалик раҳбари М. Жумабекнинг таъкидлашича, саккиз гектар майдонда лимон, шафтоли ва сабзавот етиштирилмоқда. Ҳар туп дарахтдан ўртача 60 килограмм мева олинади. Бундай ҳосилга фақат қишлоқ хўжалигидаги барча агротехника меъёрлари ва тегишли чораларга риоя қилгандагина эришиш мумкин. Энг муҳими, касбга меҳр ва иштиёқ билан ёндашиш керак.

“Нурсултан” ИЧШда шафтоли ва лимон икки гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди, қолганларида помидор, бодринг, картошка, маккажўхори ва қовун етиштирилмоқда.

● Сайрам



## “МАНКЕНТ” САНАТОРИЙСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Сайрам – дам олиш масканларига бой туман. 1 июндан карантинга оид санитария чекловлари талабларига мувофиқ хизмат кўрсатадиган “Манкент” санаторийси очилди.

Сиҳатгоҳнинг санитария талабларига нечоғли тайёр эканлигини Сайрам тумани ҳокими ўринбосари Мадияр Ҳазратов, тадбиркорлик бўлими ҳамда туман санитария назорати муассасасининг масъул ходимлари бориб кўрдилар.

Дам олиш хоналари, ошхона, муолажа кабинетлари чеклов чораларига мос хизмат кўрсатишга тайёр.

“Манкент” сиҳатгоҳи нафақат Қозоғистон, балки МДҲ мамлакатлари фуқароларининг энг

севимли даволаш ва ҳордиқ масканига айланган. 12 гектарда жойлашган санаторий тиббий ихтисослаштирилган соғломлаштириш гушаси ҳисобланади.

Бу ерда 23та корпус бўлиб, улардан 16си коттежлар. Санаторий қишда 460, ёзда 700 кишини қабул қила олади. Дам олувчиларга юқори маънавият мутахассислар хизмат кўрсатади.

М. УСМОНОВА.

● Чордара

## ШОЛИЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Чордарадаги “Жумабаев” МЧБда янги линия ишга туширилиб, 20та доимий иш жойи очилди.

Завод бир неча йил аввал минтақадаги шоли етиштирувчи Чордара ва Мақтаарал туманларида фаолият бошлаган эди. Навбатдаги линия қийматининг учдан икки қисми тадбиркорнинг шахсий маблағи, қолгани – на-

сия ҳисобидан қoplanadi.

“Жумабаев” МЧБнинг Чордара ва Мақтаарал туманларидаги заводлари гуруч билан асосан Қозоғистоннинг ички бозорларини таъминлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жорий йилда гуруч етиштириш ҳажми ўсиши натижасида бошқа мамлакатлардан импорт камайиши мумкин.

● Сариеғоч

## КЕЛЕС ЎЗАНИДАГИ НОҚОНУНИЙ ИШЛАР

Жорий йилнинг бошидан буён табиий бойлигимиздан ноқонуний фойдаланаётганлар устидан туманда 5та жиноий иш қўзғатилиб, айбдорларга 584000 тенге жарима солинди.

Яқинда маҳаллий полиция ходимлари рейд вақтида дарёда экскаваторчи ва бир нечта катта юк машинасини ушлади.

Ухшаш рейдларни полициячилар 114 қақирим узунликдаги Келес ўзанида мунтазам ўтказиб туришлари лозим. Чунки текин тош сотувчиларни ҳеч нарса

тўхтата олмайди. Улар бугунги кунда 14та кўприкнинг ётасини авария ҳолатига келтириб қўйдилар. Виждонсиз «кўпуровчилар» туфайли дарё қирғоқлари емирилиб, Ақтўбе қишлоқ округига қарашли Ақжар овулидаги 12та уй дарё суви остида қолиши мумкин. Айнан шундай хавф Жанадаур овули аҳолиси бошига тушиши ҳам турган гап.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

● Келес

## АСАЛАРИЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҶА



Келес туманида истиқомат қилувчи Малик Айтимбетов 9 фарзанднинг отаси. 8 йилдан буён турмуш ўртоғи билан биргаликда асаларичилик билан шуғулланиб келади.

Оиласи бу машаққатли ишда унга ёрдамчи. Йилига 3 тоннагача асал оладиган тадбиркор ҳамюртларига ҳам шундай ҳалол ва сердаромад иш билан шуғулланиши тавсия этади.

## ПОЛИЗДА ИШ ҚИЗҒИН

Келеснинг тарвузлари саноқли кунларда ҳамюртларимизнинг дастурхонига етиб боради.

Туманнинг Жамбил қишлоқ округидаги «Жамбил» деҳқон хўжалиги 80 гектарга тарвуз эккан. Июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб у сотувга чиқарилади.

Келес туман ҳокимлиги матбуот хизмати.

14 июнь – Халқаро донорлар куни

## САХОВАТЛИ ҚАЛБЛАР БАЙРАМИ



Кимнингдир соғлигини сақлаш, ҳаётини узайтиришга кўмаклашиш истаги, қалбда эзгу, яхши тилаклар бор экан, демек ҳаётимизда ҳали бахт бор, эзгулик ҳукмрон.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай одамларгина биров учун донор бўлиб, беғараз ёрдам кўрсата олади.

Қозоғистонда донор бўлиб, бировга қонини ёки бошқа органини бериш тартибини биласизми?

Сана муносабати билан бу соҳага қисқача тўхталиб ўтсак.



Тиббиётда маълумки, қон ва унинг компонентлари (плазма, эритроцит, альбумин ва бошқалар) инсон ҳаёти хавф остида қолганда, қон тизими касалликларида (оғир даражали камқонлик, лейкоз ва бошқалар) ёки оғир кечадиган туғиш ҳолларида, операцияларда қўйилади.

Бундай қалтис пайтда керакли донорни топиш – одам умрини сақлаб қолишнинг энг биринчи шарт. Шунинг учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳар бир мамлакатдаги минг одам бошига камида 40 донор тайёр туришини уқтиради. Қозоғистон ҳам бу талабларни бажариш мақсадида Қон марказларини очиб қўйган.

Донор бўлиш учун ҚРда фуқаро 18 ёшга тўлган, шахсий гувоҳномага эга, ҳар томонлама соғлом бўлиши керак. Чунки соғлом киши учун қон топшириш хавфсиз ҳисобланади. Қайтанга соғлигини мустаҳкамлайди. Сабаби, организмдаги 4,5 - 5 литр қондан 200 ёки 400 мл. олинса, 36 соат ичида топширилган қон миқдорини тиклаб олиши мумкин. Айниқса, артериал гипертония (қон босими) касаллигининг олдини олиш, модалар алмашинувини яхшилаш, иммунитетни мустаҳкамлаш учун қон топшириб туриш жуда фойдали ҳисобланади.

### ҚОН ТОПШИРМОҚЧИ БЎЛГАН ШАХС ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ?

Қон марказига бориб, махсус тестдан ўтади. Бунинг учун бироз тайёргарлик қилишига ҳам тўғри келади.

Аёллар учун гемоглобин 110 г/л, эркаклар учун 120 г/л бўлиши керак. Операция қилдирган, дори ичган, вакцина қабул қилган ёки тишини олдирган фуқаролар қон топшира олмайдилар. Эпидемиологик туманларда хизмат сафарида бўлганларга ҳам рухсат берилмайди.

Юқумли, бактериологик касалликлар билан оғирган, сурункали жигар, буйрак, юрак хасталиқларига мубтало, ОИТС вирусини юқтирган, гепатит, онкология, сил, гиёҳвандлик дарди борлардан қон олинмайди. 60 ёшдан катта фуқаролар ҳам кексалиги сабаб қон топширмайди.

### ДОИМИЙ РАВИШДА ҚОН ТОПШИРИБ, ДОНОРГА АЙЛАНГАН ФУҚАРОЛАРГА БИРОРТА ИМТИЁЗ БОРМИ?

Қозоғистонда маълум муддат оралиғида доимий қон топшириб, ўзгалар ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшган кишиларга “Фахрий донор” унвони бериларди. Айни вақтда бу унвон «Денсаулық сақтау ісіне қосқан үлесі үшін» кўкрак нишони билан алмаштирилган. Буни олиш учун фуқаро 40 марта қон, 70 марта плазма топширган бўлиши керак.

Донорга бирорта имтиёз борми, деган саволга жавоб шуки, имтиёзлар деярли йўқ. Фақат бир марта қон топширган шахсга, агар ишласа, 1 кун дам олиш ва минимал тоvon пули (ОХҚнинг чорак қисми) тўланади. Қон маркази томонидан бепул тушлик ва тоvon пули уюштирилади. (1 марта берилган қон, яъни 450 миллилитр – 2 ОХҚ, изоиммун плазма – 7 ОХҚ).

Н. МАВЛОНОВА.

Коронавирус иллоти туфайли эълон қилинган карантинга қарамай, юртимизда ёзги дам олиш мавсуми бошланди. Уни Ғарбий Қозоғистон вилояти бошлаб берди. Вилоят ҳокими Даниал Ахметов мавсумни очиб, Алакўлга фақат коронавирусга тест топширгани тўғрисида маълумотномага эга фуқароларгина қабул қилинишини етказди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 12 минг одам дам олиши мумкин.

Тўлебий туманининг Қасқасу, Оқ масжид, Бургулик, Тау самали, Алма-Тау ва бошқа қатор тоғолди аҳоли манзилларидаги сайёҳлик марказларнинг ҳам 1 июлдан бошлаб 100 фоиз ишга туширилиши режаланмоқда. Фақат карантин талаблари қатъий сақланади. Ҳар йилгидек, бу ерда дам олишга келаётганларга тадбиркорлар барча шароитларни яратиб беришади.

– Ҳар йили тоғ ён бағирларида ўнлаб янги дам олиш масканлари қуриляпти, – дейди туман тадбиркорлик бўлими

етиб бормаган қатор қишлоқларда қуёш батареялари ўрнатилмоқда. Қасқасуда инфратузилма қурилиши учун 52 гектар ер ва 1,2 млрд. тенге маблағ ажратилди. Яна 1,3 млрд. тенге бўлинади. Лойиҳанинг умумий қиймати 22 млрд. тенге. Туристик-рекреация мажмуасининг лойиҳасига кўра узунлиги 23 чақиримдан ошадиган 19та трасса қурилади. Шунингдек, тоғ-чанғи спорти федерацияси (FIS) сертификатини олсак, бу ерда халқаро мусобақалар ўтказиш мумкин. Мажмуа бир вақтнинг ўзида 8500 туристга хизмат



Муассаса раҳбари Айтбек Менлибаев жаҳонда Ўрта Осиё жаннати деб тан олинган Ақсу-Жабағли қўриқхонасида 70 ходим ишлашини, бу ерда ҳар йили мингга яқин одам вилоятимиз ва қўшни минтақалардан ташриф буюриши ва яна шунча одам чет эллардан келишини айтди.

– Уларни қабул қилиш учун меҳмонхоналар мажмуаси керак, – дейди у. – Лекин, бу ерда фақат биттагина, унча катта бўлмаган меҳмонхона ва музей бор. Хўш,

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР СОҲАСИ



раҳбари Ўмар Жанқалов. – Жорий йилнинг ўзида «AISA», «Ақкен» ва «Асем Тау» ҳордиқ масканлари фойдаланишга топширилди. Уларнинг смета баҳоси 400 млн. тенгедан бўлиб, ҳар бири 300 га яқин дам олувчини қабул қила олади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қозоғистонликлар маданий ҳордиқ учун келишса, хорижлик сайёҳларни этнотуризм қизиқтирар экан. Маданий туризм – ўзга халқлар маданияти ва урф-одатларига қизиқиш. Ўлкамизга келувчи маданий туризм ихлосмандларининг аксариятини ўзининг билими ва маърифатини оширишни истовчилар ташкил этишсада, уларнинг орасида экотуризм мухлислари, биоэкземпляр йиғувчилар, турли саргузашт ишқибозлари ҳам топилади.

– Ўтган йили ҳордиқ масканимизга Америкадан бир гуруҳ сайёҳ келди, – дейди «Бастау» дам олиш минтақасининг иш бошқарувчиси Элмира Аманова. – Улар ўтовларда тунашди, дарёда чўмилишди, бассейн ва меҳмонхоналаримизга қиё ҳам боқишмади, эсдалик учун халқ хунармандчилиги буюмлари қаерда сотилишини сўрашди, таассуфки, бундай дўконлар туманимизда ҳали очилмаган.

Демак, сайёҳлик билан бир қаторда, халқ хунармандчилигини ҳам ривожлантириш зарур. Зеро, бугун жаҳонда сайёҳлик туфайли тараққиётнинг юқори поғоналарига эришган давлатлар тажрибаси буни тасдиқлайди. Халқ хунармандчилигини ривожлантириш эса, Элбошимиз Нурсултан Назарбаевнинг «Келажакка йўлланма: маънавий янгиланиш» дастурий мақоласида таъкидланганидек, энг аввало, миллий қадриятларимиз тикланишида, ўзлимизни англашда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Минтақамизда халқ хунармандчилигининг қадимдан тараққий этиб келганлиги бу муҳим ишни амалга оширишда қўл келади.

Дарҳақиқат, хориждан келаётган кўп сайёҳлар «Сайрам – Угом» туристик компанияси билан боғланиб, меҳмон уйларида жойлашишапти. Уй эгалари билан тоққа ё отда, ё пиёда чиқишапти. Уларга хизмат кўрсатиш мақсадида тадбиркорлар сартарошхона, этикдўзлик ва бошқа устахоналар очишмоқда. Инфратузилма ҳам ривожланмоқда.

– Оқ масжид ва Бургуликка газ тортилди, Қасқасу ҳам газлаштирилмоқда, – дейди Ў. Жанқалов. – Электр энергияси

кўрсата олади. Қасқасу дарасининг бентакор табиати ва экологик мувозанатни сақлаш мақсадида табиатни муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларидан фойдаланилади. Ҳозирги кунда дам олиш минтақаларида сайёҳлар билан тил топишиб кета оладиган тажрибали мутахассислар етишмаяпти, айниқса, инглиз тилини биладиган ёшлар керак.

Яқинда Қасқасу қишлоқ округида 100 ўринли «SAIRAM SU resort» ҳордиқ маскани очилади. Унинг смета баҳоси 100 млн. тенге. Олатов ва Қўғали қишлоқларида очиладиган қимиз билан даволаш мажмуалари, Кемеқалған қишлоқ округидаги қатор ҳордиқ масканлари ишга туширилиши арафасида.

Туризмнинг тараққиёти миллий таомлар ва ичимликларга талабни оширмоқда. Шунинг учун тоғолди қишлоқларидаги ҳар икки уйнинг бири меҳмон кутиб олишга тайёр.

– Туманимиздаги тоғ экотизими, ўттиздан зиёд археологик ёдгорликлар бу ерда экологик, спелеологик (ғорларга саёҳат қилиш), тарихий, қишлоқ ва спорт туризми (тоғ-чанғида учиб, пиёда саёҳат, тоғ велосипеди)ни ривожлантириш имконини беради, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари С. Дуйсебаев. – Ўтган йилнинг ўзида туманда ўн иккита хусусий меҳмон уйи ташкил қилинди. Уларда хизмат қилувчи ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида бир неча бор семинар-тренинглар ўтказдик. Меҳмон уйларида сайёҳлар табиат кўйида дам олиш билан бирга турли маданий дастурлар билан танишишлари мумкин. Статистикага кўра, ҳар 30 сайёҳ мамлакатда туризм соҳасида битта, унга турдош соҳаларда эса, иккита янги иш ўринини яратишга хизмат қилади. Юқоридаги мисолда кўриб ўтганимиздек, сайёҳларни жалб этишда мамлакатимиз ички салоҳияти, айниқса, қишлоқларимизнинг ўзига хос қиёфасидан унумли фойдаланиш тумандаги бандлик масаласи ечимига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши турган гап.

### ТУРКИСТОННИНГ ШАФФОФ ГАВҲАРИ

Жануб жавоҳирларидан бирига айланган Ақсу-Жабағли давлат табиий қўриқхонаси ҳам 1 июлдан бошлаб дам олувчиларни қабул қилишни режалаштирмоқда.

улар сонини кўпайтириш кимнинг қўлида? Бу ерда саёҳатга келишдан аввал одамлар, албатта, муассасанинг сайтига киришади. Ундаги меҳмонхона тасвирини кўриб, бу ерда келиш истаги йўқолмаслигига ким кафил? Майли, давлатнинг хазинасидаги пул бу муассасага етмаган бўлиши мумкин. Лекин, элим, юртим деган тадбиркорлар йўқми?

Ҳозиргача Ақсу-Жабағлининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисидаги оммабоп адабиётларнинг нашр этилиши талаб даражасида эмас. Аммо, келгуси авлодлар учун тирик табиатни сақлаб қолиш фақатгина барча фуқароларнинг онгли иштирокидагина амалга оширилиши мумкин.

### БОЛАЛАР ТУРИЗМИ ҲАМ РИВОЖЛАНСА...

– Пайқаган бўлсангиз, вилоятимизга келаётган сайёҳларнинг аксарияти катта ёшдагилар, – дейди А. Абдешов. – Вилоятимизда ҳам болалар туризми оқсаятгани сир эмас. Туризмнинг ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг руҳиятига кўрсатадиган муҳим таъсирини ҳам унутмаслик керак.

Саёҳат орқали инсон дунёни танийди, тажриба орттиради, янгиликлар кашф этади, ўзининг дунёқарашини шакллантиради ва бунинг натижасида фан, маданият, санъат ривожланиб, ижтимоий тараққиётнинг асосий омилларига айланади.

Бу фикрни лангерлик ўлкашунос Г. Аристанбекова ҳам қўллади.

– Ёшларни ўлка тарихини ўрганишга қизиқтириш – фойдалидир, – деди у. – Айниқса, ўлканинг машҳур тарихий шахслари ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар билан танишиш ўғил-қиз қалбида эртанги кунга умид ва ишонч уйғотади. Агар у тарихда машҳур бўлган инсонлар ҳаётини ўрганса, улар амалга оширган ишлар билан танишса, қалбида чексиз орзу-ҳаваслар туғилади. Келажакда, албатта, ана шулар каби машҳур инсон бўлишга аҳд қилади.

Илгари тумандаги деярли барча мактаб ўқувчилари республикамиз шаҳарлари, Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистон бўйлаб саёҳатга боришарди. Афсуски, бутун дунёда туризм ривожлантирилаётган пайтда бу тажриба кам қўлланиляпти.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

## “БИЗНЕС БАСТАУ” ТАДБИРКОРЛИККА ЎРГАТАДИ

Шимкентда тадбиркорлик асосларига бепул ўқишга мўлжалланган “Бастау бизнес” лойиҳасига ҳужжатлар масофадан қабуллана бошлади.

Ишсизларга, тўғрироғи, ўзини ўзи банд қилиб келаётган шахсларга мўлжалланган ушбу лойиҳа 18дан нафақа ёшигача бўлган фуқароларни қамраб олади. Кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларнинг аъзолари “Бизнес бастау” лойиҳаси асосида ўқимасдан туриб, шахсий ишини очиб, юритиш учун давлат ажратаётган грантни қўлга киритиши мумкин. Касб бошини тутиш, ишини йўлга қўйиш учун дастлабки маблағ манбаини топмаётган фуқароларга мазкур лойиҳа онлайн шаклда йўл кўрсатади. Лойиҳа доирасида таълим олиш учун иштирокчилар, даставвал, аҳоли бандлиги марказидан йўлланма олиб, уни “Атамекен” академиясининг махсус саҳифасида, шахсий гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтишлари керак. Зарур ахборотни ушбу саҳифага кириштириб, курсга рўйхатга олингандан сўнг, жавоб 3 кун ичида телефонига СМС орқали юборилади. Агар ёлгон маълумот берилган бўлса, тизим сизнинг курсга ўқишга киришингизга тўсқинлик қилади. Янги бизнес-ғояларга мўлжалланган ушбу лойиҳа йил бўйи давом этади. Ҳужжатларни қабул қилиш ҳам йил охиригача ўтказилади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳужжатларни қабул қилиш санокли кунларда тўхтатилиши тўғрисидаги ёлгон ахборотга эътибор бермаслик керак. Шимкент шаҳар минтақавий коммуникациялар хизматида ушбу мавзуда ўтган брифингга шаҳар аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Ж. Ўтебаевнинг айтишича, дастур иштирокчилари давлат томонидан бериладиган ОЎҚнинг 200 баравари миқдоридан грантдан умидвор. Бироқ олинган грантлар мақсадга мувофиқ сарфланмаса, маблағ давлатга қайтарилиши мумкин. Бунинг учун махсус шартнома тузилади. Миллионли шаҳарга ҳозирча 1491 грант ажратилган, улардан 600тасига аризалар келиб тушди. Келгусида бу соннинг янада ўсиши кутилмоқда. Бунинг учун қўшимча маблағ ажратилади.

– Йўлланма олган ҳамюртларимиз йил охиригача курсларга қатнаб, бизнес асосларини ўрганишлари мумкин. Эртдан кечгача навбатда туриб, шу бугун топшириш керак экан, бу лойиҳа 2-3 кунда тайёрланиши керак, деган миш-мишлар ўринсиз. Имкон топилиб, курсларга рўйхатга олингандан сўнг, ҳамюртларимизнинг қўл телефонларига хабарлар кела бошлайди. Бунинг учун [atameken.co/ru/course-bastau](http://atameken.co/ru/course-bastau) саҳифасига кириб, шахсий маълумотларингизни киритишингиз жоиз, – дейди Шимкент шаҳар тадбиркорлар палатаси директорининг ўринбосари Ў. Жансейитов.

Бироқ айти кунларда ушбу сайтга кириб, рўйхатдан ўтиш вақтинча тўхтатиб қўйилган. Бир вақтнинг ўзида жуда кўп сонли аудиториянинг ушбу саҳифага ташриф буюраётгани интернет тармоғи ишида анча ноқулайликларни юзга келтиряпти. Ёдингизда бўлса, давлатдан 42500 тенгелик ёрдам пулини олишдан аввал ҳам тармоқда кўп носозликларга дуч келинган эди. Онлайн тартибида ўқиган ҳамюртларимиз бизнес лойиҳаларни тузишни ўрганишади ва ўз ғояларини қоғозга тушириб, махсус комиссияга тақдим этишади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

# ИБРАТЛИ УМРНИНГ ЕТМИШ ЕТТИНЧИ ЁЗИ

ёки фидойи инсон Ирискул Аббосов фаолиятдан бир шингил



Эски Иқон қишлоғи бунёд бўлгандан буён бу диёрда не-не инсонлар – асл деҳқонлар, чорвадорлар, донолар, уламолар, ҳунармандлар, санъаткорлар, маърифатчилар ўтмади, дейсиз. Буюк Ипак йўли бўйига жойлашган қишлоғимизнинг ажойиб заҳматқаш, дилқаш ва фидойи инсонлари кўп. Бугун босиб ўтган ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ибратга арзийдиган, ҚР Маданият арбоби, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, вилоят Оқсоқоллар ҳайъатининг аъзоси, Эски Иқон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгашининг раиси Ирискул Аббосов ҳақида мақола ёзишга жазм этдим. Ирискул Аббосов фидокорона меҳнатни ҳаётининг мақсади деб билди. Тинмай ўқиди, устозлардан эринмай ўрганди, билимини ошириб борди. Падари бозруквори Аббос Зикирёев, муҳтарам волидаси Минтаҳо Зикирёева Ирискулни мустақил ҳаётга тоблаб, чархлаб, тарбиялади. Тўғрисўз, ҳалол, пок ва билимли инсон бўлиб камол топишига кўп эътибор бердилар.

Ирискулнинг акаси Абусоли Аббос ўғли 1942 йилдан бошлаб Улуғ Ватан урушида қатнашган, қатор орден ва медаллар билан мукофотланган. 1945 йили 8 апрелда Чехословакиянинг Морова дарёси қирғоғидаги Святой Ян аҳоли манзилида ғалабага роппа-роса 1 ой қолганда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Абусоли Туркистондан урушга отланган 18547 жангининг бири эди.

Ирискул ўрта мактабни битиргач, ёлғиз ўғил бўлса ҳам, ота-онаси унинг Тошкентдаги маданий-оқартув техникумида ўқишига қаршилиқ билдирмади. Техникуми аълога тамолагач, Ирискул Тошкент Давлат маданият институтини, Қозғоғистон Компартияси Чимкент вилоят кўмитасининг Марксизм-ленинизм университетини битирди.

Меҳнат фаолиятини дастлаб қишлоғимиздаги Ю. Гагарин номи мактабда бошлади, бу ерда бир йил ишлагач, Совет Армияси сафига қақирди. Ҳарбий хизматдан сўнг Иқон СРК (совхоз ишчилар таъминоти кооперацияси)да турли лавозимларда ишлади. Сўнг қишлоқ Маданият саройи директори, Эски Иқон қишлоқ Кенгаши ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, қишлоқ ҳокимининг ўринбосари сифатида самарали меҳнат қилди. Икки марта қишлоқ Кенгашига, бир марта Туркистон туман Кенгашига депутат бўлиб сайланди. Меҳнат фаолиятининг сўнги йилларида яна қишлоқ Маданият саройининг директори бўлиб тайинланди. Ирискул қаерда ишламасин, сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилади. Ёшу қари уни хушмуомала, оддий, камтарин, ўта маданиятли инсон сифатида ҳурмат қилади. Манманлик, такаббурлик, ишни чала бажаришни Ирискул хуш кўрмайди. Бошлаган ишини поёнига етказмай қўймайди.

Ирискулни жорий йилнинг 15 июнида 77 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаш баробарида унинг давлат олдидаги хизматларини, айниқса, меҳнат фаолияти давомида томидан чакка ўтиб, деворлари нурай бошлаган қишлоқ Маданият саройини тўқис таъмирлашдаги хизматини алоҳида таъкидлашни лозим топдим.

1976 йили 14 январь куни Эски Иқон қишлоғидаги "Партия XXIII съезди" совхоз дирекцияси Ирискул Аббосовни янгидан қуриб битказилган 2 қаватли муҳташам Маданият саройига директорлик лавозимига таклиф қилди. Шу лавозимда, у 11,5 йил самарали меҳнат қилди. Эски Иқон қишлоқ Кенгашининг депутати сифатида 1987 йил 2 июлда бўлиб ўтган қишлоқ Кенгашининг навбатдаги сессиясида халқ де-

путатлари Эски Иқон қишлоқ Кенгаши ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига сайланди. Кейин эса ҳокимлик бошқарувида ўтгандан кейин қишлоқ ҳокимининг ўринбосари бўлиб тайинланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки оғир йиллари эди ўшанда. Кўпчилик билан ишлаш осон эмас. 15 йил ишлагандан кейин қишлоқ ҳокими Раҳматжон Абдусатторовнинг тавсияси билан у Туркистон шаҳар маданият ва тилларни ривожлантириш бўлими томонидан яна Маданият саройига директор этиб тайинланди.

Маданият саройига раҳбарликни Ирискулга топширишгач, ишлар жонланиб кетди. Қатор оммавий тадбирлар ўтказилди. Бадиий ҳаваскорлик тўғрақларининг фаолияти йўлга қўйилди. Қишлоқ санъаткорларининг "Иқон тароналари" ашула ва рақс ансамбли, фольклор этнографика дастаси, "Бинафша" болалар рақс дастаси тузилиб, фаолият юритди. "Иқон булбули", ҚВЗ мусобақалари, "Энг яхши келин", "Энг яхши қайнона" кўрик-танловлари ҳар йили ўтказилиб, ёш истеъодлар аниқланди, улар шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги танловларга йўлланма олиб, совринли ўринларга эришдилар. Шоир ва ижодкорлар орасида мушоралар, "Ёшлар кечаси" мунтазам ўтказиб турилди.

Турли соҳа вакиллари – Улуғ Ватан уруши, меҳнат фахрийлари ва илғорлари, Қозғоғистон ва Ўзбекистон ёзувчи-шоирлари, турли даражадаги депутатлар, маданият ва спорт арбоблари, дин уламолари билан учрашувлар, вилоят миқёсидаги Туркистон – Сайрам ўртасидаги илк марта ташкил этилган ажойиб аския, "Авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги" мавзуидаги ва бошқа шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги тадбирлар уюштирилди.

"Иқон" телекўрсатуви йўлга қўйилди. Унда қишлоқ янгиликлари, эълонлар, табриклар, таъзиялар берилиб, концертлар намоёйиш этиб борилди. Ўтказилаётган барча тадбирлар видеоасмага ёзилиб, алоҳида кўрсатиб борилди.

Кутубхонада китобхонлар сони ортиб, улар билан учрашувлар, китоб муҳокамаси, турли мавзуда суҳбатлар ўтказилиб, китоб кўргазмалари уюштирилди.

Барча тадбирларни расмга муҳраб бориш учун махсус ходим фотограф ишга қабул қилинди. Фотостендлар, фотокўргазмалар, фотоальбомлар, ҳар бир катта тадбир учун алоҳида буклетлар ишланди.

Четдан концертлар, спектакллар, цирк томошалари жалб қи-

линди. Кўплаган спорт мусобақалари шу бинода ўтказилди.

Маданият саройи томошалар, қишлоқ аҳли билан доимо гавжум бўлди. Бу давр Маданият саройи фаолияти ва қишлоғимиз маданияти энг юқори поғонага кўтарилган давр бўлди, десак, янглишмаймиз. Лекин ўтган асрда фойдаланишга берилган Маданият саройи биноси томи яроқсиз ҳолга келиб қолган, муаммони жадал ҳал қилиш даркор эди. Зеро, уни кейинги авлодга муносиб ахволда етказиш, кўз қорачиғидек сақлаш вазифаси кўндаланг эди.

Маданият саройи томидан қорёғир сувлари ўтавериш, ичи ва ташқи деворлари нураётган эди. Бу жуда хавфли ҳамда фавқулодда ҳолат эди. Ушбу вазиятни "Жанубий Қозғоғистон" газетасининг Туркистон ва Кентов шаҳарлари бўйича муҳбири Шомирза Мадалиев "Жанубий Қозғоғистон" ва "Южный Казахстан" газеталарида жон куйдириб, бир неча бор расмлари билан ёритди.

Мутахассисларнинг ҳисоби бўйича ўша пайтда (2005 йили) қиймати 500 млн. тенгега баҳоланган бу бинони сақлаб қолиш ва келажак авлодга бус-бутунлигича етказиш муаммоси кўн-



даланг турган эди. Ечими осон бўлмаган муаммони ҳал қилиш учун маданият жонкуяри Ирискул Аббосов ғайрат камарини маҳкам боғлаб, идорама-идора юриб, Туркистон шаҳри ҳокими Муҳит Алиевдан ёрдам сўради ва бунга эришди ҳам. Шаҳар ҳокими маблағ ажратиш, ишни бошлашни топширди. Ишларнинг боришини назорат қилиб туришни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Раҳматжон Абдусатторов ҳамда қишлоқ хўжалик бўлими шўба мудир Шинтемир Жусиповга юкледи. Қўли гул усталар ва ишчилардан иборат 20дан зиёд киши ҳамда сахий инсонларнинг беиминат ёрдами туфайли роппа-роса бир ой ичида Маданият саройи биноси таъмирланди. Ушбу сарой қишлоғимиз кўркіга кўрк қўшиб, ҳозирги авлодга хизмат қилиб келмоқда.

Бу ишнинг битишига Туркистон

шаҳри ҳокими Муҳит Алиев алоҳида ғамхўрлик кўрсатган бўлса, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Раҳматжон Абдусатторов, қишлоқ хўжалик бўлимининг шўба мудир Шинтемир Жусипов, маданият ва тилларни ривожлантириш бўлими мудираси Улжалғас Мустафаева, "Жанубий Қозғоғистон" муҳбири Шомирза Мадалиев, 21-сонли хунар лицейи Эски Иқон бўлимининг собиқ директори, вилоят маслаҳатининг депутати, марҳум Муталлиб Йўлдошев, Эски Иқон қишлоғи ҳокими Дониш Маннотов, қишлоқ ҳокими ўринбосари Муборак Қосимов, "Ел бірлиги

этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти президенти Рўзақул Холмуродовнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ана шу юқорида айтилган хизматларни ҳисобга олиб, 2006 йили Маданият соҳасида эришган зўр муваффақиятлари ва юқори ташкилотчилик қобилияти учун Ирискул Аббосовга миллатдошларимиз орасида республикада биринчи бўлиб "Қозғоғистон Республикаси маданият арбоби" унвони берилди.

Ҳар бир инсоннинг устозлари ва иқтидорли шогирдлари бўлади.



ўшин" жамғармасининг Туркистон шаҳри бўйича раиси Жарилқасин Азиретбергенов, шу жамғарманнинг Эски Иқон қишлоғи бўйича раиси, "Иқон" умумтаълим ўрта мактабининг директори Зуппархон Чолдонов, ҚР Президентлигига номзод Н. Назарбаевни қўллаб-қувватлаш бўйича Туркистон шаҳар штабининг бошлиғи Серик Пиралиев, Эски Иқон қишлоғи штабининг бошлиғи Қаҳрамон Қўчқоров, штаб аъзоси Тожихон Собиров, 21-сонли хунар лицейи Эски Иқон филиалининг ўқитувчиси, инженер-қурувчи Абдужаббор Ҳожиев, қоровул ва ишчиларга кеча-кундуз раҳбарлик қилган

Ирискул Аббосов ўзбекистонлик маданият ва санъат арбобларидан Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов, Обид Жалилов, Қудрат Хўжаев, Саъдихон Табибуллаев, Лутфулла Назруллаев, Обид Юнусов, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азимов, Маҳкам Муҳаммедов, Ҳасан Йўлдошев, Сотим Иномхўжаев, Бахтиёр Сайфуллаев сингари санъат дарғаларини, қарноқлик Холбой Отажанов, Абдураим Эргашев, қорачиқлик Жўраш Отахонов, иқонлик Арабхон Тожиметов, Собир Акажоновни ўзига устоз билиб, улардан соҳанинг кўп сирларини ўрганди. Қишлоғимизнинг халққа хизмати синган асл фарзандлари – маданият ва санъатимизнинг машааллари Сафо Зокиров, Улуғбек Тошхонов, Дархон Тошбоев, Тўхтасин Бобоев, Муборак Қосимов, Абдусобир Бектошев, Уланбатор Раҳмоналиев, Мурод Раҳмоналиев, Мадихон Норметов, Ҳожимурод Комилов, Тўражон Шералхонов, Маъмуржон Зиёвуддинов, Қосим Бойбеков, Фозил Ғуломов, Шоҳайдар Шотурсунов, Марат Жалолов, Асрор Аббосов, Қувониш Турсунхўжаев, Зайнобиддин Аюпов, Раҳмон Юсупов, Алишер Бобохонов, Дониёр Тожиметов, Тельман Қўчқоров, Хайрулла Муродов, Хуршид Шаропов ва бошқалар Ирискул Аббосовни "устоз" деб биладилар. Ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган етмиш еттинчи таваллуд айёмини қаршилайётган Ирискул Аббос ўғлига мустақкам саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

**Айниддин АБУБАКИРОВ,**  
Қозғоғистон халқ маорифи аълочиси,  
Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси.

**Суратларда:** Ирискул Аббосов; Маданият саройи таъмирланаётган палла; И. Аббосов вилоят оқсоқоллар ҳайъати аъзолари Бобоқон Ёқубов ва Ўразгелди Егизбаевлар билан.

## БИЛИМИ ЗҲР — МИНГНИ ЕНГАР



Асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама ёндашувни талаб этмоқда. Жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида БМТ томонидан халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ленгер шаҳрида Nur Otan партияси ташаббуси билан ўтказилган семинар ҳам мана шу мавзуга бағишланди. Тадбирни туман ҳокимлиги қошидаги хотин-қизлар иши ва оила демографияси бўлими ходимлари ташкил этишди. Йиғилишни Nur Otan партияси туман филиали раисининг биринчи ўринбосари Х. Аширбеков очиб, одам савдосининг жамиятга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида маъруза қилди.

«Қулдорлик даври аллақачон ўтиб кетган, бу шунчаки миш-миш холос», дейдиганлар бор, — деди у. — Аммо атрофингизга ҳушёр назар ташласангиз, бунинг айна ҳақиқат эканига амин бўласиз. «Замонавий қуллик» қандай пайдо бўлди? У кимга ёки нега керак? Инсоннинг қиймати борми?» каби саволлар мушоҳадага ундайди...

**Биринчидан**, ишсизлар сонининг тобора ошиб, иш ўринларининг камайиб бораётгани одам савдосининг асосий сабабларидан бирига айланди. **Иккинчиси**, одамларнинг катта пулни оз муддатда ишлаб топшига интилиши, оилавий низолар. **Учинчиси**, одамларнинг ношукурлиги, бориға қаноат қилмай, ўзини ўтга-чўққа уриши, кези келса, пул топшиш учун чет элга кетиши. **Тўртинчиси**, «Туризм», «Никоҳ агентликлари» ва шу каби ташкилотлар мижозларининг алданиб қолиши.

Юқоридаги биринчи ва иккинчи сабаблар ўз ортидан ҳаммиша учинчи, тўртинчиларини эргаштириб келади. Масалан, киши ўз юртида иш топа олмаса ёки топган ишидан келадиган маблағ оила тебратишга етмас, қолаверса, бола-чақа, уларнинг орзу-ҳаваси дегандек, турмушнинг муштлари турганда, ишламасликнинг иложи йўқ. Собиқ ишидан топаётган даромадга қаноатланмай, тез ва кўп бойлик орттириш илнжиди бўлган ҳар бир одам, шубҳасиз, чет элни орзу қилади. Ва имкон топди дегунча, йўлга отланади. Оммавий ахборот восита-

лари, теле ва радиоканалларда берилётган маълумотлардан бохабар бўлсангиз, дунё аҳолисининг катта қисми ишсизликдан азият чекади.

Оиласида кадр топмаган, арзимаган нарсадан муаммо чиқарадиган ёки бой ва бахтли ҳаёт истайдиганларнинг кўпчилиги аёллар. Улар «Никоҳ агентликлари»га мурожаат қилиб, «Замонавий қуллик»нинг

Туркия, Италия, Япония, Германия, Греция давлатларига экспорт қилинади. Ҳар йили бир миллиондан зиёд балоғат ёшига етмаган қиз сотилиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурланади. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, шу вақтгача 5,7 млн. бола ўғирланган, улардан 1,2 млн. нафари қурбон бўлган. Қолганлари оғир меҳнатга

Жаҳон бозорида одамларнинг нархи ирқий келиб чиқишига, жисмоний қувватига қараб белгиланади. Маълумотларга кўра, Исроилда битта қул(қиз)га битта қўй берилар экан. Йил сайин дунё миқёсида қуллар сонининг кескин ошиши натижасида, инсон қиймати тушиб кетаяпти.

Қуллик бўйича биринчи ўринда Ҳиндистон (13 миллион одам

борки, улар ҳеч иккиланмай, дўстлари, оғайнилари, ҳатто, болаларини ҳам сотиб юборишмоқда.

Инсон эркига, ҳаётига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Одам ўз нафси олдида енгиллиб, озодлигини бой бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Zero, ҳар банд «фақатгина Аллоҳ ҳузурини мутлақ қул, бошқалар олдида эса, мутлақ ҳур»дир.

Гендер тенглиги ҳақида гапирган Тўлебий туман ички ишлар бўлими катта инспектори, полиция майори Г. Диҳанбаевнинг маърузаси ҳам қизгин мунозарага сабаб бўлди.

Имом А. Туртаев бу иллатнинг ҳадисларда ҳам қаттиқ қораланишини айтди.

— Имом Бухорийдан келтирилган бир ҳадисда «Аллоҳ таоло қиёмат кунини уч кишига қарамайди. Ҳурни сотган киши, ўзини ўзи сотган киши ва мардикорнинг тери қотгандан кейин унинг ҳаққини бекор қилган кишига», дейилади. Қиёмат куни аҳволи оғир бўладиган кишилардан яна бири ўзини сотган киши экан. Инсоннинг била туриб, ўзини қулликка солиши улғу гуноҳлардан ҳисобланади, — деди у. — Одам савдоси, унинг инсоний ҳуқуқ ва эркинликларининг ғайриқонуний ва ғайриахлоқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши — кечириб бўлмас жиноят, оғир гуноҳ!

Семинар-кенгаш иштирокчилари замонавий «қул»лар кўпайишининг олдини олишда нодавлат ташкилотлар ҳам ҳисса қўшиши мумкинлиги, ёшлар орасида, айниқса, мактаб битирувчилари билан суҳбатлар ташкил қилиш масаласини ҳам кўриб чиқдилар.

Бу масаланинг бизга алоқаси йўқ, дейдиганлар адашди. Чунки, бизнинг вилоятимиздан ҳам кўплаб ўғил-қизлар иш излаб, чет элларга кетишмоқда. Баъзиларининг уйга қайтмаётганлигидан ҳам хабардорсиз.

Тадбир ниҳоясида унинг иштирокчиларига «Сана-сезим» жамоат ташкилотининг эслатмалари тарқатилди.

**Б. ДҲСМАТОВА.**

Газетамизда Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Бекзод Ҳабибов муаллифлигида хабар қилинганидек, қишлоқдаги Маъмуржон Бобохонов раҳбарлик қилаётган «Қарноқ» ўрта мактабининг 8-синф ўқувчиси Малика Нишонбоева Америка Қўшма Штатларида грант асосида ўқийдиган бўлди.

Обуна масаласида фахрий оқсоқол Тўлқин Саидмуродов ҳамроҳлигида қишлоққа борганимда қишлоқ фаоли Хусан Садиров иштирокида ушбу мавзунинг теранроқ ёритишга аҳд қилдим. Малика мактабда аъло ўқиши баробарида Достон Абдалиев етакчилиги қилаётган «Result School» ўқув марказида инглиз тили ўқитувчиси Насиба Муҳаммедова сабоқларини пухта ўзлаштирди. У физика-матема-

тика йўналишида ўқимоқчи. Бадиий адабиёт видеотасвирга олиш ва ижтимоий тармоққа узатиш унинг сеvimли машғулоти. Ҳатто ижтимоий тармоқда махсус канали ҳам бор. Инглиз тилини мукаммал билади. Бир йил Америкадаги оилаларнинг бирида яшаб, дастур асосида ўқиш баробарида Малика Аҳрор қизи Қарноқдаги қадрдон мактаби ўқув дастурини ҳам онлайн тартибда давом эттиради. Тарихий қишлоқдан тарихий сафарга отланаётган Маликага устозлари, ҳамқишлоқлари муваффақият тилашди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Суратда: мактаб директори М. Бобохоновнинг иш кабинетиди.

Муаллиф тасвири.

## “КИШАН КИЙМА, КИ СЕН ҲАМ ҲУР ТУҒИЛГАНСАН...”



жабрланувчилари сафига кириб қоляптилар.

Jas Otan ёшлар каноти аъзоси Ақмарал Абдрахманованинг сўзида ҳам замонавий қуллик юртимизга хавф солаётгани, БМТнинг статистик маълумотларига кўра, 2015 йилдан буён ҳар йили 700 мингдан зиёд одам сотилаётгани, бундан ташқари 200 минг одам домдараксиз йўқолаётгани, қолганлари мажбурий меҳнатга жалб қилинаётгани айтилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари бу мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— 127 мамлакатда «одам савдоси» кенг тарқалган, 137 давлатга четдан қуллар келтирилади. Жаҳон миқёсида энг кўп фуқаро ўғирланган давлатлар қаторига Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва Литва киритилган бўлиб, иккинчи ўринда Арманистон, Грузия, Қозоғистон туради. Ўғирланган одамлар (асосан, балоғат ёшига етмаган қизлар, кўпроқ Исроил,

мажбур этилган. Кичик ёшдаги болалардан донор (ички органлари!), йигитчалардан эса, минтақадаги низоларда аскар сифатида фойдаланишган, — дейилади хабарда.

Бу кимга ёки нега керак?

БМТнинг фикрича, одам савдоси илгари қурол ҳамда гиёҳванд моддалар савдосидан кейинги учинчи ўринда турган бўлса, ҳозир қурол савдосидан кейинги иккинчи ўринга чиқиб олди. Бу бизнес билан шуғулланувчилар йилига 150 млрд. доллар фойда кўради. Ҳар йили миллионлаб одам ноқонуний йўл билан чет давлатларга чиқади. Ва бу ўз навбатида замонавий қуллар бозори учун энг керакли бўлган жараёндир. Бельгия, Болгария, Молдова, Украинада қулдорлар қўлига йилига 228 минг одам тушади. Бельгия, Германия, Россиядан кетган аёллар ойига 7500 \$ топшиша, атиги 500 \$ игина ўзларига қолар экан. Бу чинакам даҳшат... Инсоннинг кадр-қиймати қанча?

қуллик қурбони) турса, сўнги ўринларда — Буюк Британия, Ирландия ва Исландия. Бу мамлакатларда қуллик ҳолатлари қайд этилмаган.

Киши ақлига сиғмайдиган оғир юмушлар ҳам шу қуллар зиммасида. Кевен Бельс ўзининг «Оммавий иқтисодиётдаги янги қуллик» китобида: «Одамлар! Оёқ кийимларингизни, қаҳвага солаётган қандингизни, балки, мана шу қуллар ишлагандир. Телевизорингизда намойиш этилаётган кўркем фирмаларнинг ғиштларини шулар қуйгандир, балки», деб ёзади.

Кўмир конларида, машина эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш корхоналарида, умуман, соғлиқ учун зарарли барча юмушларда, айнан шу одамлар меҳнати борлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Халқаро меҳнат ташкилотининг хабар беришича, чет элда ана шундай занжирбанд қулларни қотилликка ҳам ундаб, шу йўл билан мўмай даромад кўришади. Баъзи одамлар

# СИНОВЛИ КУНЛАР МИЛЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ



Рамила Мустафоева ёш бўлишига қарамасдан изланувчанлиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги туфайли яқинда вилоят “Гарбах” озарбайжон этномаданият бирлашмаси” жамоат бирлашмасига етакчи этиб сайланди. Асли касби инглиз тили таржимони бўлган Рамила меҳнат фаолиятини Сайрам тумани ҳокимлигида бошлади. Институтни, кейин магистратурани тамомлаб, мактабга ишга киролмагач, туман таълим бўлимига ўзи дуч келган камчиликлар ҳамда уюшган жиноятчиликдан арз қилиб, ҳоким ўринбосари қабулига кирди. Раҳбар унинг талабчанлиги, жамоада ишлаш олиши, боз устига, ташкилотчилик қобилиятини ҳам пайқадди, ҳокимликка ишга таклиф этди. Раҳбарнинг кузатувлари, хулосалари тўғри чиқди. Рамила касбининг етук мутахассиси эканлигини дастлаб котибаликда, кейин эса ташкилотчилик бўлимида астойдил исботлади. 6 тилда равон сўзлайдиган, турли миллат вакиллари урф-одатларидан яхши хабардор, ташаббускор аёл жамоада ўз ўрнига эга бўлди.



Суҳбатдошим Рамила Шомил Тагиевнинг невараси бўлиб, бобосидан ўтмишдаги воқеаларни кўп эшитгани, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашгани, тақдир аждодлари ҳаётига рангбаранг жилоларни ато этганлигини мамнуният билан эсга олди.

–Бобом ҳар гал Қозоғистонга келган йилларини эслаб, биз, набираларига ҳикоя қилиб берар эканлар, доим тақдирларидан

ган. Катта бувим бутун рўзғор ишларини ўз зиммасига олган, – дейди Рамила.

Оила кенгайса-да, уларнинг ризқи камаймаган, уруш йиллари бошланса-да, Тагиевларнинг янги хонадони қозонида сут қайнаган, гўшт пиширилган, хамир овқатлар узилмаган. Маҳаллий мактабга бораётган Шомил тез кунда рус тилида саводли ёзиб, равон сўзлашни ўрганиб олган. Мактабнинг энг олди ўқувчиларидан бири бўлганлиги сабабли юқори синфга ўтиши билан мактаб раҳарияти бошланғич синфларга сабоқ беришни унга ишониб топширган. Маҳаллий аҳоли билан тез тил топишиб кетган оилани сўзоқликлар меҳнатсеварлиги учун алоҳида ҳурмат қилишарди. У болалигидан онасига ёрдамчи, таянч бўлиб ўсиб, укаларига елкадош бўлди. Оила меҳнати, тиришқоқлиги оқибатида ўз бошпанасига ҳам эга бўлди – фарзандлар бирин-кетин мактабни ҳам тугатишди. Шомил ота 1943 йили Ватан ҳимоясига чақирилди. Курск шаҳрида олти ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, Днепр яқинидаги фронтга отланди. У ерда 25-миномёт

ришади. 1945 йил охирида эса оила бағрига эсон-омон қайтади.

Жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари беиз кетмади – Ленин ордени, “За отвагу” медали, 2-даражали “Ватан уруши”, “Қизил Юлдуз” орденлари билан тақдирланди. 1963 йили Тошкентдаги Халқ хўжалиги институтига кирди. 1968 йили тугатиб, она қишлоғига қайтди – совхозга бошқарувчи этиб тайинлашди.

Урушдан қайтиб келиб, қатагон йиллари қийинчиликларида меҳр-мурувват кўрсатган, ризқини баҳам кўрган қозоқ халқининг меҳнатсевар қизи Раҳия билан оила қурди. Яратган уларга 8 қиз, 3 ўғил ато этди. Фарзандларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашди.

Йиллар ўтиб совхознинг бош агрономи этиб тайинланди ва шу хизматда қарийб 40 йил меҳнат қилди. Нафақага чиққан отахон ўзининг деҳқон хўжалигини ташкил этиб, хайрия тadbирлари билан шуғулланишни анъанага айлантирди. 9 фарзанд, 50 неварга, 90 эвара ва бир панневаранинг катта бобосида айни кунларда 1000 гектарли яйлов – боғ-роғ-



уқтираверади. Зарарли иллатнинг кенг тарқалишига қарши эълон қилинган карантин чоғида ҳам бекорчиликдан шифтга қараб, ётишга вақт топмади – катта хўжалик раҳбарнинг оқилона бошқарувини тақазо этарди. Отахоннинг хонадонидан турли миллат вакиллари қариндошлик ришталари билан чамбарчас боғланган.

–Бизнинг оиламиз аҳил. Онам озарбайжон ва қозоқ миллатлари вакили. Турли миллат вакиллари билан иборат жамоаларда эркин ишлай оламан. Сайрам тумани ҳокимлигида 10 йил ишладим. Кўп дўстлар орттирдим, бошқа ишга ўтаётганимда эса ҳамкасбларим кўз ёшларини яширишмади. Бирига опа, бирига сингил бўлиб ишлаганимдан хурсандман. Тил билсангиз, иш билсангиз, энг муҳими, ўзингизга талабчан бўлсангиз, мансаб пиллапояларидан ишонч билан кўтарилиш мумкин экан. Қозоқ тилини эса жамоада ўрганишимга тўғри келди. Бунда менга айнан жамоам ёрдам берди ва бунинг учун ҳамкасбларимдан беҳад миннатдорман, – дейди Р. Мустафоева.

Шомил отанинг “туби бир, тили ўхшаш, мозори бир халқлармиз, Ватанимизни тарк этсак-да, бепоён даламиздаги бирлик туфайли Қозоғистондаги фаровон оилалардан бирига айландик”, деб кўпмиллатли хонадоннинг ёш вакиллари уқтиришида улкан ҳикмат бор.

**М. САЪДУЛЛАЕВА**



рози бўлиб гапирардилар. Тагиевларни дастлаб Сўзоқдаги бева аёлнинг хонадонига жойлаштиришади. У аёлнинг эридан қолган мол ва паррандалари бор экан. Бобом, укалари ва оналари Зулейха опа билан ўша аёлнинг хонадонидан анча йил яшаб, уй ишларини биргаликда юритиш-

дивизиясида хизмат қилди. 1944 йил охирида жанг майдонидан яраланиб, Киевдаги госпиталга тушди. 3 ой даволангандан сўнг, соғайиб яна фронтга жўнади. Руминия, Венгрия ҳудудларини озод қилишда Шомил иккинчи бор қаттиқ яраланади, сўнг уни даволаш учун Тбилисига юбо-

лар бўлиб, ҳамқишлоқларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Меҳнатда тобланган Шомил ота йилқичилик ва туячилик билан ҳам шуғулланмоқда. 96 ёшдан ошиб бораётган ота роҳат-фароғатни меҳнатдан топганини авлодларига такрор ва такрор

Рамиланинг тақдирини ҳам тарихий воқеаларга бой. Бобоси Шомил Тагиев 1924 йили Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғидаги Кесалар қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Маҳмуд Нажафов ўз замонасининг бадавлат кишиларидан бўлиб, ҳамюртларининг ҳурматини қозонган. Кесалар, Хожалар, Гирқиз, Шуша манзилларидаги ерлар унга қарашли эди. Совет ҳукумати ер, сув эгаларининг мулкни эгаллаб олаётган пайтда Маҳмуд Нажафовнинг ҳам Озарбайжон ҳудудини тарк этишига тўғри келди. Шу даврларда уларни “халқ душмани” деб тамға босиш улкан сиёсий мавсумга айланган эди.

1936 йили Шомил Тагиев онаси ва укалари билан бирига Қозоғистон жанубидаги Сўзоқ туманига бадарға қилинди. Хонадонини ташлаб чиқиб кетиш, отанинг “халқ душмани” бўлиши, товар ташийдиган поезднинг тирбанд вагонидан одамларнинг мамлакатимизга олиб келиниши аянчли манзара эди, албатта. Бироқ Қозоғистондаги ҳаёт Тагиевлар хонадонига хайр-барока ато этганини бобо доим таъкидлаб келди.

Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги кўп соҳали коллеж жамоаси ўқув ишлаб чиқариш устаси Руслан Абдувоитовга акаси **Нурсултон РОЗИҚ ҲАЛИ**нинг, техник ходима Аломат Тожиддиновага қайинонаси **Маржона ТОЖИДИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти Қорабулоқ қишлоғидаги намунали маҳалла кўмитаси раиси, фаол жамоатчи, нашримиз жонкуяри Ирисдават Исроиловга турмуш ўртоғи **ГУЛКАРАМ ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти нафақадаги кутубхоначи, газетамиз жонкуяри Абдулҳамид Саъдуллаевга турмуш ўртоғи **ҲАЙДАРОЙ опа**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, ҳамдардлик билдиради.

**Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!**

**Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.**

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

**Муроджон АБУБАКИРОВ.**

**Ислом АБДУНАБИЕВ.**

Масъул котиб —

**Авазхон БҮРОНБОЕВ.**

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Кентов — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — **Баҳорой ДҲСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — **Хуршид ҚҲЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.

Сайрам — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.

Тулкибош — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — **Зокиржон МҲМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси — “Жанубий Қозоғистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолапар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
● Фойдаланилмаган мақолапарга ёзма жавоб қайтарилмайди.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

**Электрон почта: janubiy@inbox.ru**

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рўйхатга олиниб, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи — 65466  
Адади — 12200

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буортма: 1541

Навбатчи муҳаррир: Шахноза УСМОНОВА.

1992



# SILKWAY

## INTERNATIONAL UNIVERSITY

### БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРГА – МУНОСИБ БИЛИМ!

SILKWAY халқаро университети халқаро ҳамкорликни сифатли ва самарали ривожлантириш учун жаҳоннинг етакчи университетлари билан, хусусан, ТОП 1000 QS World Rankings таркибига кирадиган олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқаларни фаол равишда ривожлантирмоқда. Шу йилларда у яқин ва олис хориж давлатларининг 28та университети ҳамда таълим муассасаси билан 90дан зиёд меморандум ва шартномаларни имзолади.

Ҳар йили SWIUнинг 30га яқин талабаси Испания, Португалия, Малайзия, Польша, Литва, Россиянинг пешқадам университетларида таълим олади. Университетда, шунингдек, Польша, Россия, Беларусь Республикаси ва Қирғизистоннинг етакчи олий ўқув юртлари билан қўш дипломли таълим дастурлари мавжуд.

Манзил: Қозоғистон Республикаси, Шимкент шаҳри.  
Телеграмм: @swiu, @international\_office, @talapker\_silkway\_2020.



Ҳурматли битирувчилар!  
Сизни мактабни муваффақиятли тугатишингиз билан муборакбод этаман! Ўқишни SILKWAY Халқаро университетида давом эттиришга таклиф қиламан!

Мадияр ЮНУСОВ,  
SILKWAY Халқаро университети президенти,  
ҚР МИА мухбир-аъзоси.



БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

1. 6В011 Педагогика ва психология	1. Педагогика ва психология
2. 6В012 Мактабгача таълим ва тарбия педагогикаси	2. Мактабгача таълим ва тарбия
3. 6В013 Фанга ихтисослашмаган ўқитувчиларни тайёрлаш	3. Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти
4. 6В014 Умумий ривожланиш фанларига ихтисослашган ўқитувчиларни тайёрлаш	4. Жисмоний тарбия ва спорт
	5. Бошланғич ҳарбий таълим
	6. Мусиқа таълими
	7. Бадий меҳнат ва лойиҳалаш
	8. Техник ва касбий таълим педагогикаси
5. 6В015 Табиий-илмий фанлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаш	9. Химия
	10. Биология
	11. Кимё ва биология
	12. Математика
	13. Информатика
	14. Информатика ва робототехника
	15. География
	16. География-Тарих
6. 6В016 Гуманитар (ижтимоий) фанлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаш	17. Тарих
7. 6В017 Тил ва адабиёт фанлари бўйича ўқитувчилар тайёрлаш	18. Қозоқ тили ва адабиёти
	19. Рус тили ва адабиёти
	20. Чет тили: икки чет тили
8. 6В018 Ижтимоий педагогика ва ўзини-ўзи таниш бўйича мутахассислар тайёрлаш	21. Ижтимоий педагогика ва ўзини-ўзи таниш
9. 6В019 Махсус педагогика мутахассисларини тайёрлаш	22. Дефектология
10. 6В023 Тиллар ва адабиёт	23. Таржимонлик иши
11. 6В041 Бизнес ва бошқарув	24. Иқтисодиёт
	25. Ҳисоб ва аудит
	26. Молия
12. 6В042 Ҳуқуқ	27. Ҳуқуқшунослик
13. 6В061 Ахборот ва коммуникация технологиялари	28. Ахборот технологиялари ва дастурлаш
	29. Компьютер ва ахборот тизимлари

KZ80LAA00012923 рақамли давлат лицензияси 03.10.2018 йили ҚР Таълим ва фан вазирлигининг таълим соҳасида назорат қўмитаси» ДБ томонидан берилган.

SILKWAY халқаро университети педагогика ихтисосликлари бўйича ҳар томонлама ривожланган ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди. Шунингдек, "Ижтимоий педагогика", "Дефектология", "Бизнес ва бошқарув", "Ҳисоб ва аудит", "Молия", "Юриспруденция", "Информатика ва ҳисоблаш техникаси" ихтисосликлари бор. Университетда академик мобиллик ҳамда қўш дипломли таълим жорий қилинмоқда: талабалар хориждаги ҳамкор ОУЮда билим олиш ва ҳамкор университет транскрипти ва дипломини олиш имкониятига эга. Мустақкам моддий-техникавий база, йирик кутубхона жамғармаси, интернет тармоғи, барча шарт-шароитларга эга 500 ўринли талабалар уйи ва замонавий спорт мажмуаси – талабалар хизматида.



### SILKWAY ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИДАГИ СИФАТЛИ БИЛИМ – МУНОСИБ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИДИР!



#### Ўқишга кириш муддатлари

1 апрель-10 май ЯМТга ҳужжатларни қабул-лаш  
20 июнь-7 июль Ижодий ихтисосликларга ҳужжатларни қабул-лаш  
20 июнь-5 июль Ягона миллий тест  
13 июль-20 июль Давлат грантларига ҳужжатларни қабул-лаш

#### МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

1. 7М011 Педагогика ва психология	6М010300 Педагогика ва психология
2. 7М013 Фанга ихтисослашмаган ўқитувчиларни тайёрлаш	6М010200 Мактабгача таълим педагогикаси ва услубияти
3. 7М014 Умумий ривожланиш фанларига ихтисослашган ўқитувчиларни тайёрлаш	6М012000 Касбий таълим (соҳа бўйича)
4. 7М015 Табиий-илмий фанлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаш	6М010900 Математика
	6М011200 Кимё
	6М011300 Биология
5. 7М017 Тил ва адабиёт фанлари бўйича ўқитувчилар тайёрлаш	6М011700 Қозоқ тили ва адабиёти
	6М011800 Рус тили ва адабиёти
	6М011900 Чет тили: икки чет тили
6. 7М019 Махсус педагогика бўйича мутахассислар тайёрлаш	6М010500 Дефектология
7. 7М023 Тиллар ва адабиёт	6М020700 Таржимонлик иши
8. 7М041 Бизнес ва бошқарув	6М050600 Иқтисод
9. 7М042 Ҳуқуқ	6М030100 Ҳуқуқшунослик

#### ДОКТОРАНТУРА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

8Д011 Педагогика ва психология	6Д010300 Педагогика ва психология
8Д013 Фанга ихтисослашмаган ўқитувчиларни тайёрлаш	6Д010100 Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти

Шимкент шаҳри, Тўқаев кўчаси, 27-“А”.  
Шимкент шаҳри, Жангелдин кўчаси, 13.  
Тел.: 8 (7272) 53-71-52, 8 (7252) 56-82-45,  
8 (7252) 53-67-82, 8 (7252) 31-03-32.

[WWW.SWIU.KZ](http://WWW.SWIU.KZ)